# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 209 (8949). • 1986 йил 6 ноябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги!

## Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

# ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Яна юртимизга байрам келди. Яна шаҳар ва қишлоқлар умумхалқ шодиёнасига тайёрланмоқда. Кўча-кўйлар, майдонлар, бино пештоқларида қирмизи байроқлар, лоларанг транспарантлар ҳилпирамоқда. Бу бизга эрк ва саодат берган энг қутлуғ айём — Улуғ Октябрь нишонаси.

Бундан олтмиш тўққиз йил муқаддам Ленин партияси раҳбарлигида оламшумул аҳамиятга молик бўлган ана шу тарихий воқеа эски тузумни таг-томири билан қўпориб ташлаган эди. Октябрь революцияси чинакам адолат тантанаси бўлди. Бу революция меҳнат аҳли энг эзгу орзу-умидларининг, озодликка, тенгликка, ёруғ кунга интилишининг мужассам ифодаси бўлди. Одам-одамни эксплуатация қилиши социал ва миллий ҳуқуқсизлик, ишсизлик ва саводсизлик ўтмишда абадий қолиб кетди. Тарихда илк бор шундай давлат бунёдга келдики, уни меҳнаткашларнинг ўзлари бошқармоқда, бу давлатда бирлашган барча халқларнинг дўстлиги мустаҳкам қарор топди.

Октябрь революцияси туфайли рўй берган кетма-кет ўзгаришлар бутун планетанинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон социализм системаси таркиб топди. Ҳамма қитъаларда миллий-озодлик ҳаракати жумбушга келди. Мамлакатимиз эса ўша шонли санадан буён ўтган салкам етмиш йил ичида асрларга татигулик катта ва қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Улуғ Октябрнинг сўнмас ёғдуси Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам бахтиёр келажаги йўлини нурафшон этди. Бугунги кунда Ўзбекистон, шу жумладан пойтахт областимиз социал ва иқтисодий тараққиётда катта чўққиларни эгаллади.

Совет кишиларининг яратувчилик меҳнати натижасида шаҳар ва қишлоқлар кўркам қиёфага эга бўлди, аҳолининг турмуш фаровонлиги эса узлуксиз юксалиб бормоқда. Шу йил февраль—март ойида ўтган КПССнинг XXVII съезди халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Съезд партиянинг яқин ўн беш йилга мўлжалланган стратегик йўлини белгилаб берди. Унинг қарорлари совет кишиларининг ижодий ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди. Республикамиз ва областимизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари бутун мамлакат меҳнаткашлари билан бирга партия амалга ошираётган қайта қуриш йўлини сабот билан ўтказиш, ана шу асосда социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга интилмоқдалар.

Байрам арафасида область меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқлар ана шундан далолат бериб турипти. Шонли Октябрни областимиз пахтакорлари айниқса ёруғ юз билан кутиб олдилар. Улар йиллик план ва социалистик мажбуриятни ошириб бажариб, эл хирмонига 420 минг тонна «оқ олтин» тўкдилар. Пахтанинг 85 процентдан кўпроғи биринчи навларга топширилганлиги, ҳосилнинг 70 проценти машиналар билан териб олинганлиги диққатга сазовордир. Ўн иккинчи беш йиллик биринчи йилининг юксак хирмонида Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Пискент, Коммунистик, Бекобод районлари хўжаликларининг катта ҳиссаси бор. Агросаноат комплекси бошқа тармоқларидаги муваффақиятлар ҳам қувончлидир. Областимизда картошка, узум, пилла сотиш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди, умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотлари мўлжалдагидан ортиқ етказиб берилди, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам илдам бормоқда.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида областимиз саноат маҳсулотининг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 4,1 процент ортди. Социал тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасининг юксалиши борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳам эътиборга лойиқ. Ўн иккинчи беш йиллик мобайнида ижтимоий истеъмол фондларини анча кўпайтириш назарда тутилмоқда ва уни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1990 йилда 635 сўмдан ортиши кутилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақи ҳам ортиб бормоқда. Шу беш йиллик охирига келиб барча оилаларнинг ярмидан кўпида ойлик даромад ҳар киши бошига ҳисоблаганда ўртача 125 сўмдан ортиқроқ бўлади. Икки мингинчи йилгача эса барча совет оиласини алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифаси қўйилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ хўжалигини интенсивлаш изларига ўтказиш партия талаб қилаётган даражада жадал олиб борилмаяти, кўпгина меҳнат коллективлари ҳали ҳам қайта қуришга қўшилганлари йўқ. Маҳсулотларнинг сифати, ассортименти юзасидан аҳоли билдираётган эътирозлар камаймаяпти. Шунинг учун ҳам партия меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқаришдаги амалий проблемаларга, шу проблемаларни ҳал этишда ҳар бир кишининг шахсий роли ва масъулиятини аниқлаб олишга қаратмоқда. Ҳамма жойда талабчанлик, меҳнат интизомини кучайтиришга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқлари халқимиз учун иш программаси бўлиб янграмоқда.

**— СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ! ОЛҒА ҚАРАБ ҲАРАКАТ СУРЪАТЛАРИНИ ОШИРИНГИЗ, ХОТИРЖАМЛИК ВА БЕПАРВОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГИЗ!**

**1986 ЙИЛ ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРАЙЛИК! ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯХШИ БОШЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК!**

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, салбий ҳолатларга қарши олиб борилаётган дадил ва ошкора кураш ҳамма жойда партия XXVII съезди тарихий қарорлари астойдил қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат бермоқда. Съезд қабул қилган ва ҳозир амалга оширишга астойдил киришилган улуғвор вазифалар жамиятимизнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга шак-шубҳа йўқ. Чунки бу вазифаларни бутун халқ жонажон иши сифатида қабул қилди.

КПСС ва Совет давлатининг тинчликни сақлаш, ядро хавфини бартараф этишга қаратилган ленинча ташқи сиёсати ҳам ҳамма ерда хайрихоҳлик билан қарши олинмоқда. Бу якдиллик ва хайрихоҳликни байрам арафасида меҳнат коллективларида ўтаётган тантанали йиғилишларнинг қатнашчилари бaралла изҳор этмоқдалар. Эртага улар умумхалқ байрамида қатнашиб, Улуғ Октябрь ишига, — Ленин ишига садоқатларини яна бир бор намойиш этадилар.

**— ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВАТАНИ — СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ!**

**— КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ ЛЕНИНЧА ЙЎЛИДАН — КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАН, ОЛҒА!**




Л. ЛИ чизган плакат.




## БЕКОБОД

◆ ҲАР КУНИ бекободлик пахтакорлардан ҳам ғалаба рапортлари келиб турибди. Давлатга 7630 тоннадан зиёд хом ашё топширган «Далварзин» совхози пахтакорлари эндиликда планга қўшимча яна 580 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ҳосилдорликни гектар бошига 32 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

«Коммунизм» колхози аъзолари эса 200 тонналик мажбурият олишди. Ҳозиргача улар уйган хирмон 2700 тоннадан ошиб кетди.

◆ РЕЖАНИ бошидан пухта олган «Победа» колхозининг хирмони ҳам юксалиб боряпти. Шу кунгача бу хўжалик деҳқонлари давлатга 4900 тонна хом ашё етказиб бердилар. Ҳосилдорлик ўртача 30 центнерни ташкил этмоқда. Бусалима Тўхтабоева, Мавлон Маматқулов, Қўшбоқ Абдувалиев сингари пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларда айниқса, мўл ҳосил олинди. Ҳозир бу колхозда оширилган мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

## ҒАЛАБА

◆ **БУ ЙИЛ давлатга фақат юқори сифатли пахта етказиб беришни кўзлаб меҳнат қилаётган «Победа» колхози деҳқонлари ҳам маррага етдилар. Бу ерда ҳар гектар ердан 31,8 центнердан жами 1986 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг 75 проценти фақат биринчи сортга қабул қилинди. 84 проценти эса машиналарда терилди. Хўжалик аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб съездлар йилида гектарлар ҳосилдорлигини 34 центнерга етказишга сўз бердилар.**

## ПИСКЕНТ

◆ ЙИҒИМ-ТЕРИМ бошланганидан буён пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари зиммаларидаги оширилган мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. 1635 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 5732 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Бу ҳосилнинг 85 проценти ёки 4000 тоннаси биринчи сортга сотилди. Мавжуд 27 та терим машинасининг ҳар бирида ўртача 122 тоннадан пахта йиғиштириб олинди. Колхозда терим давом этяпти.

## «ОҚ ОЛТИН» ВАТАНГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Чиноз** | 0,41 | 117,69 | 0,02 | 108,04 |
| **Янгийўл** | 0,58 | 108,02 | 0,05 | 94,72 |
| **Ўрта Чирчиқ** | 0,26 | 107,78 | — | 118,28 |
| **Пискент** | 0,44 | 107,42 | 0,02 | 96,22 |
| **Коммунистик** | 0,45 | 102,32 | — | 111,14 |
| **Бекобод** | 0,65 | 100,19 | — | 81,53 |
| Бўка | 0,69 | 96,45 | 0,08 | 95,00 |
| Оққўрғон | 0,62 | 96,27 | 0,02 | 94,88 |
| Ғалаба | 0,56 | 96,11 | 0,09 | 108,29 |
| Область бўйича: | 0,54 | 101,87 | 0,03 | 99,26 |

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона — 102,26; Сурхондарё — 93,47; Наманган — 92,76; Сирдарё — 90,54; ҚҚАССР — 87,18; Хоразм — 81,71; Андижон — 78,60; Жиззах — 74,53; Бухоро — 72,92; Самарқанд — 71,80; Навоий — 58,21; Қашқадарё — 55,51; республика бўйича — 82,26.

### ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

## ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДА ЗАФАРИ

### ЧИНОЗ

◆ ИШНИ бошидан пухта қилган деҳқоннинг хирмони баракали бўлади. Буни «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози пахтакорлари ўз меҳнатлари билан исботлашмоқда.

Куни-кеча хўжаликдан яна бир хушхабар олдик. Деҳқонлар зиммаларига олган оширилган мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Давлатга 4 минг 630 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорликни 41 центнерга етказган КПСС XXVII съезди делегати, СССР Олий Советининг депутати Фикрет Сефершаев бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар.

## АРМУҒОН

### БЎКА

◆ **РАЙОНДАГИ яна бир хўжалик — К. Маркс номли колхоз деҳқонлари ғалаба рапортига имзо чекишди. Бу ерда 1195 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,1 центнердан хом ашё йиғиштириб олиниб, давлатга 3475 тонна пахта топширилди. Бунинг 2445 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Эндиликда хўжалик аъзолари ҳосилдорликни 31 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.**

## МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

### ЎРТА ЧИРЧИҚ

◆ РАЙОН пахтакорлари яна бир зафар қучдилар. Зиммага олинган юксак социалистик мажбурият ҳам ўринланди. Қабул пунктларига планга қўшимча 2 минг тоннадан ортиқ хом-ашё етказиб берилди. Жами хирмон эса 43 минг 500 тоннадан ошиб кетди

◆ ТЕРЕШКОВА номли колхоз пахтакорлари ҳозиргача ҳар гектар ердан салкам 34 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди. Бу мажбуриятда белгиланганидан ҳам анча ортиқдир. Хўжаликда бу йил айниқса, терим агрегатларидан самарали фойдаланилди. Ўз агрегатига 150 тоннадан ошириб пахта терган Муҳиддин Зиёвиддинов, Ғофур Белиляев, Жаниш Жумабоев сингари механизаторлар ютуққа салмоқли ҳисса қўшдилар.

# ҲАМИША ОЛДИНДА БЎЛАЙЛИК

## Область партия комитетида ёш коммунистлар билан учрашув

**ОБЛАСТЬ партия ташкилоти сафлари йил сайин салкам беш минг ёш коммунист ҳисобига кенгайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқариш илғорлари, халқ зиёлиларининг муносиб вакилларидир. Партия комитетларининг секретарлари партияга янги қабул қилинган ёш коммунистлар билан мунтазам равишда учрашиб, суҳбатлашиб бормоқдалар. Бундай мулоқот жойлардаги воқеалардан кенгроқ хабардор бўлишга, меҳнат коллективларидаги аҳволни тўғри баҳолашга катта ёрдам беряпти.**

Яқинда Тошкент область партия комитетида ёш коммунистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Областимиз шаҳар ва районларида меҳнат қилаётган ёш коммунистлар область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов билан учрашдилар. Икки ўртада эркин, қизиқарли ва мазмунли суҳбат бўлди. Асосан қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш бўйича партия қўйган вазифалар қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида гап борди. Учрашув қатнашчилари ўз коллективларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар, олға силжиш учун нималар тўсқинлик қилаётгани устида тўхталдилар.

— Август ойида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш планини бажара олмадик, — дейди В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи Геннадий Володин.— Бунда албатта ёш коммунистларнинг ҳам айби бор. Ҳозир камчиликлар тугатиляпти. Янги хил қайиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти.

Корхонада интизом тобора мустаҳкамланмоқда. Ўртоқлик судининг активлиги сезиларли даражада ошди. Прогулчилар ва интизомсиз ишчилар 13-маошдан маҳрум этиляптилар, меҳнат отпускаси ва квартира олиш навбатлари орқага суриляпти. Ашаддий интизомсизлар эса касаба союз сафидан чиқарилмоқда.

Т. А. Алимов:— Интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишчилар қандай тушунишяпти?

Г. Володин:— Ишчилар тўғри тушуниб тўла тўкис маъқулламоқдалар. Прогуллар ва ишга кечикиб келиш ҳоллари кескин камайди. Бирлашманинг бош заводи икки сменада ишлашга ўтди. Болалар боғчаси, овқатланиш, транспорт масалалари ижобий ҳал этилди.

Айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Маҳсулот етказиб берувчилар панд бермоқдалар. Турар-жой танқислиги сезилиб турибди. Мастерлар ва ишчилар ўртасида коммунистлар кўп эмас.

— Коллективимизда ҳали ҳам кўпгина ишлар қўл кучи билан бажариляпти,— суҳбатга қўшилди «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси контрол-ўлчов приборлари цехи электрослесари Гарри Финдлинг.— Лекин омборларда кўпгина ускуналар уйилиб ётибди. Уларни ишга тушириш устида, раҳбарлар дурустроқ бош қотиришмаяпти.

Сир эмас, иш пайтида ҳамма нарсани тўла уддасидан чиқолмаяпмиз. Жанговарлик ва иштиёқ етишмаяпти, чамаси. Устозлар тажрибасини синчковлик билан ўрганиш лозим деб ҳисоблайман. Чунки ветеранлар тажрибаси бебаҳо бойликдир.

— Биз қурувчилар ҳамшаҳарларимиз олдида катта қарздормиз,— дейди 159-қурилиш тресги 10-бошқармаси электрпайвандчиси Анваржон Бозоралиев.— Қурувчиларни тўғри танқид қилишади. Ишимизда тартиб йўқ. Ой бошида мудраб ўтирамиз. Кейин югур-югур бошланади. Бундай шароитда сифат устида ким ҳам бош қотирарди. Партия ташкилоти сафида 32 коммунист бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам актив эмас. Партия йиғилишида ҳисоботлар кам тингланади. Материаллар нима учун етишмаётганлиги ҳақида раҳбар коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш мумкин эмасми, ахир?

— Бизнинг ишимизда ҳам кўпгина камчиликлар бор,— суҳбатни давом эттирди Калинин районидаги 39-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Николай Моисеев.— Биз шартнома асосида ишлаймиз. Лекин кўп ҳолларда у тўла бажарилмаяпти. Бир гал бензин бўлмаса, иккинчи гал мойлаш материаллари йўқ бўлади. Лекин бу билан биз ўзимизни оқламаслигимиз керак. Ҳар ким ўз жойида ишни қайта қуриб унумли ишлашга ҳаракат қилмоғи лозим.

— Коллективга раҳбарлик қилаётганимга эндигина бир йил бўлди,— дейди Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози бригада бошлиғи Азамат Оқбердиев.— Пахта ҳосили топшириш планини бажарган бўлсакда, лекин ишимиздан тўла қониқиш ҳосил қилмадик. Агарда ўтган йили шудгорлаш сифатли ўтказилганида бу йилги натижа яна ҳам яхшироқ бўларди. Йиғим-терим даврида техникадан самарали фойдалана олмадик. Машиналар тез-тез бузилиб турди. Эҳтиёт қисмлар эса йўқ. Умуман, машиналарни такомиллаштириш пайти келди.

Акмал Икромов районидаги 228-мактаб синфдан ташқари ишларнинг ташкилотчиси Дилором Хожиакбарова, «Ташмостстрой» тресги қурилиш бошқармасининг бўёқчиси Зейбер Отажонова, Олмалиқ конметаллургия комбинати Қалмоққир кони участкаси электростанцияси машинист ёрдамчиси Бурҳон Ашербеков, «Чирчиксельмаш» заводи пўлат қуюв цехи электромонтёри Владимир Глушенко, Чиноз районидаги «Москва» колхозининг сут соғувчиси Анорхон Суярова каби ёш коммунистлар ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги ўз бурчлари ҳақида гапирдилар.

Ўртоқ Т. А. Алимов ёш коммунистлар билан бўлган учрашувга якун ясаб, дилдаги бор гапларни очиқ-ойдин баён этганликлари учун уларга миннатдорчилик билдирди. Танқидий фикр ва мулоҳазалар, билдирилган таклифлар партиянинг қайта қуриш, мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида қўйган талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга ёрдам беради.

